

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 353-хадис

وَعَنْ يَزِيدَ بْنَ حَيَّانَ قَالَ: انْطَلَقْتُ أَنَا وَحُصَيْنُ بْنُ سَبْرَةَ وَعَمْرُو بْنُ مُسْلِمٍ إِلَى زَيْدِ بْنِ أَرْقَمَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ، فَلَمَّا جَلَسْنَا إِلَيْهِ قَالَ لَهُ حُصَيْنُ: لَقَدْ لَقِيتَ يَا زَيْدُ حَيْرًا كَثِيرًا، رَأَيْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَسَمِعْتَ حَدِيثَهُ، وَغَرَّتْ مَعَهُ، وَصَلَّيْتَ حَلْفَهُ؛ لَقَدْ لَقِيتَ يَا زَيْدُ حَيْرًا كَثِيرًا، حَدَّثَنَا يَا زَيْدُ مَا سَمِعْتَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: يَا ابْنَ أَخِي؛ وَاللَّهُ لَقَدْ كَبَرْتُ سِنِّي، وَقَدْمَ عَهْدِي، وَنَسِيْتُ بَعْضَ الَّذِي كُنْتُ أَعِي مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَمَا حَدَّثْنُكُمْ، فَاقْبِلُوا، وَمَا لَا فَلَا تُكَلِّفُونِيهِ، ثُمَّ قَالَ: قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فِينَا حَطِيبًا بِمَا يُدْعَى حُمَّاً بَيْنَ مَكَّةَ وَالْمَدِينَةِ، فَحَمِدَ اللَّهَ وَأَتَّقَنَ عَلَيْهِ، وَوَعَظَ وَكَرَرَ، ثُمَّ قَالَ: «أَمَّا بَعْدُ: أَلَا أَئْهُمَا النَّاسُ، فَإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ يُوشِكُ أَنْ يُأْتِي رَسُولُ رَبِّي فَأُجِيبُ، وَأَنَا تَارِكٌ فِيْكُمْ ثَقَلَيْنِ: أَوْهُمَا كِتَابُ اللَّهِ، فِيهِ الْهُدَىٰ وَالنُّورُ، فَحَدُّذُوا بِكِتَابِ اللَّهِ، وَاسْتَمْسِكُوا بِهِ» فَحَثَّ عَلَى كِتَابِ اللَّهِ، وَرَغَبَ فِيهِ، ثُمَّ قَالَ: «وَأَهْلُ بَيْتِي، أَدْكُوكُمُ اللَّهُ فِي أَهْلِ بَيْتِي، أَدْكُوكُمُ اللَّهُ فِي أَهْلِ بَيْتِي» فَقَالَ لَهُ حُصَيْنُ: وَمَنْ أَهْلُ بَيْتِهِ يَا زَيْدُ؟ أَلَيْسَ نِسَاؤُهُ مِنْ أَهْلِ بَيْتِهِ؟ قَالَ: نِسَاؤُهُ مِنْ أَهْلِ بَيْتِهِ، وَلَكِنْ أَهْلُ بَيْتِهِ: مَنْ حُرِمَ الصَّدَقَةَ بَعْدَهُ، قَالَ: وَمَنْ هُمْ؟ قَالَ: هُمْ آلُ عَلَيِّ، وَآلُ عَقِيلٍ، وَآلُ جَعْفَرٍ، وَآلُ عَبَّاسٍ، قَالَ: كُلُّ هُؤُلَاءِ حُرِمَ الصَّدَقَةَ؟ قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2408].

وَفِي رِوَايَةِ: «أَلَا وَإِنِّي تَارِكٌ فِيْكُمْ ثَقَلَيْنِ: أَحَدُهُمَا كِتَابُ اللَّهِ، وَهُوَ حَبْلُ اللَّهِ، مَنْ اتَّبَعَهُ كَانَ عَلَى الْهُدَىٰ، وَمَنْ تَكَوَّنَ كَانَ عَلَى ضَلَالٍ». [2408/37]

Язид ибн Ҳайён розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен, Ҳусойн ибн Сабра ва Умар ибн Муслим Зайд ибн Арқамниги бордик.

Унинг олдида ўтирган эдик, Ҳусойн: «Эй Зайд, сен жуда кўп яхшиликларни кўргансан, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўргансан, ҳадисларини эшитгансан, у зот билан ғазот қилгансан, ортларида намоз ўқигансан. Эй Зайд, сен жуда кўп яхшиликларни кўрган экансан. Бизга Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган нарсаларингдан гапириб бер», деди. Зайд шундай деди: «Эй биродарим, мен қариб қолдим, у ишларга анча бўлди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёдлаган баъзи нарсаларимни унутдим. Мен сизларга нимани айтиб берсам, ўшани қабул қилинглар, айтмаганимни эса сўраманглар. Бир куни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка билан Мадина орасидаги Хумм деган булоқ ёнида орамизда туриб хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг ваъз қилдилар, эслатма қилдилар. Сўнгра шундай дедилар: «Аммо баъд. Эй одамлар! Огоҳ бўлинглар! Мен ҳам бир инсонман. Яқинда Роббимнинг элчиси келиб, унга ижобат қиласман. Сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетяпман. Биринчisi Аллоҳнинг Китоби бўлиб, унда ҳидоят ва нур бордир. Аллоҳнинг Китобини олиб, уни маҳкам тутинглар». У зот шундай деб, Аллоҳнинг Китобига чақириб, унга тарғиб қилдилар. Сўнгра: «Ва аҳли байтимни ҳам (қолдириб кетяпман). Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман. Аҳли байтим борасида сизларга Аллоҳни эслатаман», дедилар».

«Аҳли байтлари ким, эй Зайд? Аёллари аҳли байтларидан эмасми?» деди Ҳусойн. «Аёллари ҳам аҳли байтлари. Лекин ҳақиқий аҳли байтлари у зотдан кейин садақа ҳаром бўлганлардир», деди у. «Улар кимлар, эй Зайд?» деди у. «Улар - Оли Алий, Оли Ақийл, Оли Жаъфар ва Оли Аббос», деди у. «Уларнинг ҳаммасига садақа ҳаром қилинганми?» деди Ҳусойн. «Ҳа», деди у».

Имом Муслим ривояти.

Бошқа ривоятда: «Билингки, мен сизларга икки муҳим нарсани қолдириб кетяпман. Бири Аллоҳ азза ва жалланинг китоби. У Аллоҳнинг арқонидир. Ким унга эргашса, ҳидоятда бўлади. Ким уни тарқ қилса, залолатда бўлади», дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



